EKOLOGIYA

XABARNOMASI

ЭКОЛОГИЧЕСКИЙ ВЕСТНИК УЗБЕКИСТАНА
ECOLOGICAL HERALD OF UZBEKISTAN

№3
Mart(227)
2020

№3/2020

O'zbekiston Respublikasi Ekologiya va atrof-muhitni muhofaza qilish davlat qo'mitasi

Государственный комитет Республики Узбекистан по экологии и охране окружающей среды

Муассис:
Ўзбекистон Республикаси Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси

Таҳрир кенгаши раиси:
Ш. АБДУРАЗЗОҚОВ

Таҳрир кенгаши аъзолари:
Б. ТАЖИЕВ,
К. ТОЖИБОЕВ,
Б. ХОЛМАТОВ,
Х. ПЎЛАТОВ,
А. ХОЛМУРОДОВ,
Б. НИШОНОВ,
С. МУХТОРАЛИЕВ

Бош муҳаррир:
Н. АБДУЛЛАЕВА

Бош муҳаррир ўринбосари ва масъул котиб:
Г. МЕНГЗИЯЕВА

Саҳифаловчи-дизайнер:
О. ЖУМАКУЛОВА

Нашр Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг рўйхатига киритилган.

Обуна индекси: 910
Таҳририят манзили: 100185
Тошкент шаҳар, Бунёдкор шоҳ кўчаси, 7а-уй.
www.econews.uz
E-mail: chinorenk@umail.uz

Таҳририят фикри муаллифлар фикри билан тўғри келмаслиги мумкин.

2008 йил 7 мартда Ўзбекистон матбуот ва ахборот агентлиги (Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги) томонидан рўйхатга олинган.
Рўйхатга олиш рақами №0515

Босишга рухсат этилди
Формати 60x841/8.
Табоғи 7 б.т.
Адади
Буюртма № ___
Баҳоси келишилган нархда.

"ECO TEXTILE PRODUCT" МЧЖ босмахонасида офсет усулида чоп этилди
Матбаа гувоҳномаси рақами № 10-3632
Манзил: Тошкент шаҳри, Учтепа тумани, Тошкент Автомобиль ҳалқа йўли, 11-км, 10-уй

МУНДАРИЖА

ҚУТЛОВ
2 Баҳор–байрамлар фасли!
4 **ВАТАН КЕНГЛИКЛАРИДА ЖАРАЁН**
С. ЁҚУБОВ, Н. АБДУЛЛАЕВА
6 БМТ ва Ўзбекистон: Халқаро муносабатлар ҳамда атроф-муҳит муҳофазаси йўлида
8 Президент танқиди, янги раҳбар ва ҳали сўнмаган умидлар...
ЭКОЛОГИЯ ВА АТРОФ-МУҲИТНИ МУҲОФАЗА ҚИЛИШ ДАВЛАТ ҚЎМИТАСИ ФАОЛИЯТИДАН
12 Қўмитанинг янги раиси журналистлар билан самимий мулоқот уюштирди
ГИПОТЕЗАЛАР–ТАДҚИҚОТЛАР–ИХТИРОЛАР
Т. ОСТОНАҚУЛОВ, Н. УСМОНОВ
14 Ёзги ва кузги сидератларнинг тупроққа ва картошканинг товар ҳосили, уруғбоп туганаклар чиқими ҳамда айнишига таъсири
Ш. ЖУМАЕВ, Р. ОРИПОВ
16 Баланс калия в почвах и эффективность калийного удобрения в Самаркандской области
Ф. ҲАСАНОВА, Д. МАВЛЯНОВ, М. ҲАСАНОВ, Ш. НИЗАМОВ
18 Кузги буғдой ўримидан сўнг тупроққа асосий ишлов беришнинг кузги буғдой ва такрорий экинлардан қолган илдиз-анғиз қолдиқларидаги озуқа моддалар миқдорига таъсири
Э. ЧЕМБАРИСОВ, М. РАХИМОВА
20 Динамика изменений водности трансграничной реки Сырдарьи в пределах Узбекистана
А. БАРАТОВ, С. АБДУРАҲМОНОВ
23 Наманган вилоятида суғориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолатини экологик баҳолаш масалалари
И. РЎЗИЕВ, Д. НУМОНОВА
26 Биопрепаратларнинг ғўзанинг ўсиши, ривожланиши, ҳосилдорлиги ҳамда толанинг сифат кўрсаткичларига таъсири
Б. ГАФУРДЖАНОВ, Э. БЕРДИЕВ
29 Перспективы интродукции Гинкго двулопастного (GINKGO BILOBA L.) в Узбекистане
Ғ. РУСТАМОВ, Б. ИСМОИЛХОДЖАЕВ, Б. НУРУЛЛОЕВ, Ш. ТУРСУНБОЕВ
32 Шаҳардан тозалаш иншоотига тушаётган оқава сувлар ҳажми ва сифати ўзгаришини мавсумга боғлиқ ҳолда ўрганиш (Бекобод шаҳри сув тозалаш иншооти мисолида)
А. ЮЛДАШОВ, А. КЕНЖАЕВ
36 Ўзбекистоннинг ер-сув ресурсларидан оқилона фойдаланиш
ХОРИЖИЙ ТАЖРИБА
И. ХАСИЛОВ
40 Кимё саноатининг экологик муаммолари ва уларнинг ечими
ТАБИАТ ВА ЖАМИЯТ
З. АКБАРОВ
42 Доривор ўсимликларни етиштиришда ўрмон хўжалигининг роли (Наманган вилояти мисолида)
О. АБДУҒАНИЕВ, Ю. АҲМАДАЛИЕВ, Д. ҚОСИМОВ
44 Барқарор ривожланишни таъминлашда муҳофаза этиладиган табиий ҳудудларнинг аҳамияти
47 Қуйи Амударё биосфера резервати: Инсон ва биосфера
ДУНЁ САҲНИДА
50 Эпидемиядан пандемиягача: Дунё ва Ўзбекистон
ЭКОЛОГИЯ ВА САЛОМАТЛИК
54 Давр қаҳрамонлари
ТАБИАТ ИЛҲОМЛАРИ
МУҲИДДИН ОМОН
55 Фидойи жонлар
56 **ТУРФА ОЛАМ**

УДК 631.14:631.1.016,4 (576.1)

ЎЗБЕКИСТОННИНГ ЕР-СУВ РЕСУРСЛАРИДАН ОҚИЛОНА ФОЙДАЛАНИШ

А. ЮЛДАШОВ, Гулистон давлат университети “Экология ва география” кафедраси доценти, география фанлари номзоди
А. КЕНЖАЕВ, Гулистон давлат университети “Экология ва география” кафедраси докторанти

Тупроқ – атроф-муҳитнинг муҳим компонентларидан бири бўлиб, унинг барча экологик вазифалари биргина маҳсулдорлигида мужассам бўлиши мумкин. Дунё ер фондининг 33 фоизи маҳсулдорлиги кам ерлар – чўллар, ботқоқликлар, музликлар ва бошқалар; 3 фоизи антропоген ландшафтлар – аҳоли манзиллари, саноат ҳудудлари, транспорт йўллари ва бошқалар; 30 фоизи ўрмон ва бутазорлар; 34 фоизи қишлоқ хўжалиги ерлари, шундан: 11 фоизи (1,5 млрд га) ҳайдаладиган ерлар, боғлар, узумзорлар; 23 фоизи ўтлоқ ва яйловлардан иборат. Сўнгги 34 фоиз ер ресурслари инсониятнинг зарур озиқ-овқат маҳсулотларига бўлган эҳтиёжининг деярли 98 фоизини таъминлайди. Ишлов бериладиган ерларнинг энг катта майдонлари АҚШ, Ҳиндистон, Хитой, Россия, Канада, Бразилия мамлакатларида жойлашган. Дунё бўйича аҳоли жон бошига ўртача 4,4 га ҳайдаладиган ер тўғри келади (Қозоғистонда жон бошига 2,0 га, Ўзбекистонда 0,14 га, Японияда 0,04 га).

Яйловлар майдонлари бўйича Австралия, Хитой, АҚШ, Қозоғистон, Бразилия, Аргентина, Шимолий Африка давлатлари олдинги ўринларда туради.

Мавзунинг долзарблиги. Ўзбекистонда суғоришга яроқли ерлар 7–10 млн. га ни ташкил этади. Мутахассисларнинг таъкидлашича, шунинг 16 фоизи ўтлоқи бўз тупроқлар, 44 фоизи ўтлоқи, 30 фоизи бўз тупроқлар, 10 фоизи тақир тупроқлардан иборат. Ўзбекистон ер фондининг ер турлари бўйича ҳозирги тақсимланишида: суғориладиган ерлар – 9,2 %; пичанзор ва яйловлар – 46,7 %; ўрмон ва бутазорлар – 7,6 %; кўп йиллик дарахтзорлар – 0,8 %; томорқа ерлари – 1,6 %; бўз ерлар – 0,2 %; бошқа тоифадаги ерлар – 34,0 % ни ташкил этади.

Ўзбекистоннинг Ер ва сув ресурслари Бабушкин Л.Н., Когай Н.А., Кац Д.М., Ковда В.А., Рафиқов А.А., Раҳматуллаев А., Хамраев Н.Р., Ҳасанов А.С., Шерфединов Л.З., Ходжибаев Н.Н., Хорст М.Г., Мирзаев Н.Н., Чембарисов Э.И., Бахретдинов Б.А., Якубов М.А., Якубов Х.И., Қудратов Т.У., Гаипназаров Н., Ўразбоев А каби кўпчилик тупроқшунос, гидролог ва гидрогеологлар томонидан ўрганилган ва адабиётларда кенг ёритилган. Шунингдек, қуйида ер ости сувларини тавсифлашда шу адабиётлар ва вилоят Гидрогеология ва мелиорация экспедицияси маълумотларидан кенг фойдаланилди.

Тадқиқотнинг мақсади. Ўзбекистон Республикаси ҳудудида қишлоқ хўжалиги ерлари 25,3 млн. га. бўлиб, шундан суғориладиган ерлар 4,3 млн гектарга, лалми ерлар майдони 757,4 минг гектарга, қолганлари яйлов ҳудудларига тўғри келади.

Қишлоқ хўжалиги экинлари тузилмасида (фоиз ҳисобида): донли экинлар – 43,2, шу жумладан, буғдой – 38,8, шоли –1,3, ғўза – 40,8, сабзавотлар – 4,5, картошка – 1,6, полиз – 1,1, ем-хашак – 8,1 фоиз атрофидани ташкил этади. Ушбу тузилмани ҳозирча такомиллашган якуний кўриниш деб бўлмайди, чунки ем-хашак экинлари (айниқса, беда) майдонларининг сезиларли қисқариши алмашлаб экиш меъёрларининг бузилишига, қолаверса, ерларнинг мелиоратив ҳолатига салбий таъсир этмоқда.

Деҳқончилик вужудга келганидан буён инсоният 2 млрд гектар маҳсулдор тупроқларни йўқотди. Мутахассисларнинг ҳисоблашича, биргина эрозия туфайли қишлоқ хўжалигида йилига 6–7 млн гектар ер фойдаланишдан чиқарилмоқда. Ҳозирда дунёнинг қурғоқчил ҳудудларида чўллашишга дучор бўлган майдонлар кўлами 9 млн км^2 га етди, яна 30 млн км^2 майдонга чўлланиш хавф солмоқда. Бунда: чўллар даштларга, даштлар саванналарга, саванналар ўрмонларга таҳдид солмоқда. Чўл майдонлари кенгайишига, асосан, қишлоқ хўжалиги экин майдонларига “ортиқча юк” юкланиши, ўрмонларнинг кесилиши, узлуксиз ва жадал чорва моллари боқилиши сабаб бўлмоқда. Ерлар деградацияси ёки чўлланишнинг яна бир сабаби ривожланаётган мамлакатларда экспорт учун яккаҳоким экин маҳсулотлари ишлаб чиқаришнинг жадал ўсиб бораётганлигидир.

Ўзбекистонда ерлар деградациясининг асосий сабаблари: чўлланиш, ўрмонларнинг кесилиши; тупроқларнинг иккиламчи шўрланиши, сув босиши ва захлашиш; тоғ ва тоғ олди ҳудудларидаги ер-тупроқларнинг сув ва суғориш эрозиясига учраши; чорвачилик жадал олиб бориладиган ҳудудларда яйловларга босимнинг юқорилиги ва дефляция; ерларни қишлоқ хўжалиги, саноат ва бошқа мақсадларда ўзлаштиришдаги техноген

чўлланиш; қишлоқ хўжалигида кучли кимёвий воситалар қўлланилиши, саноат ва маиший чиқиндилар ва зироатчиликдаги яккаҳокимлик натижасида тупроқларнинг ифлосланиши ва ҳосилдорликнинг йўқотилиши; чўллар ҳудудларидаги конларнинг ўзлаштирилиши, техниканинг тартибсиз ҳаракатлари ва ҳ.к.; Орол денгизининг қуриши оқибатида туз-чанг бўронлари ёғилиши ҳисобига тупроқларнинг шўрланиши; суғоришда ишлатиладиган сувлар сифатининг нисбатан ёмонлашганлиги ва бошқалар.

Ҳозирги вақтда республиканинг 2165,6 минг га. дан зиёд (49,6 %) суғориладиган ерлари турли даражада шўрланган бўлиб, шундан 1347,6 минг га (31,3 %) кам шўрланган; 646,7 минг га (15,0 %) ўртача шўрланган ва 141,3 минг га (3,3 %) кучли шўрланган ерлардир.

Қорақалпоғистон Республикаси, Хоразм ва Навоий вилоятларида суғориладиган ерларнинг 40 % дан кўпроғи, Фарғона водийси вилоятлари ва Самарқанд вилоятида 30–40 %, Тошкент, Сирдарё, Жиззах ва Бухоро вилоятларида 20–30 % ерларни сув босган. Бунга, асосан, рельефнинг юқори, баланд ҳудудларининг ўзлаштирилиши ва суғорилиши сабаб бўлмоқда. Сув босган ҳудудлар республика бўйича қишлоқ хўжалигида фойдаланиладиган ер майдонларининг 20 % дан ортиғини эгаллайди.

Олинган натижалар ва уларнинг таҳлили.

Умуман олганда, суғориладиган ерлар мамлакатнинг "олтин фонди" ҳисобланади. Шу боис ундан фойдаланишни янада такомиллаштириш ҳамиша ҳукуматимиз эътиборидадир. Бу борада Ўзбекистон Республикаси Биринчи Президентининг

Республиканинг 643,2 минг га суғориладиган ерлари суғориш эрозиясига дучор бўлган. Қашқадарё (159,7 минг га), Тошкент (138,6 минг га), Самарқанд (121,9 минг га) вилоятларининг суғориладиган ерлари суғориш эрозиясига кўпроқ учраган.

Ўзбекистонда тупроқ дефляцияси 50 % дан ортиқ чўл ва бўз тупроқ минтақаларини қамраб олган. Айниқса, Марказий Фарғона, Бухоро-Қоракўл воҳалари, Мирзачўл, Қарши ва Шеробод чўллари, Қорақалпоғистон Республикаси ва Хоразм воҳасида ерларнинг катта қисмлари дефляцияга учраган. Мавжуд яйловларнинг 16,4 млн га (78 %)қисмида антропоген таъсирлар натижасида озуқа ҳажмининг йўқолиши – дегрессияси содир бўлиб, ундан 9,3 млн. га майдондаги ем-хашак озуқаси 20–30 %; 5 млн. га да 30–40; 2,1 млн. га майдондагиси 40 % дан ортиқ дегрессияга учраганлиги маълум.

2007 йил 29 октябрдаги "Ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги фармони дастуруламал вазифасини ўтамоқда. Шу асосда, тегишли давлат дастури қабул қилиниб, кўплаб амалий ишлар бажарилмоқда. Ҳозирга келиб 1,7 млн. га суғориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолати яхшиланди, ер ости сувлари сатҳи юқори бўлган майдонлар 415 минг гектарга ёки салкам 10 % га қисқарди, кучли ва ўртача шўрланган майдонлар 113 минг гектарга камайди. Суғориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш ва сув ресурсларидан оқилона фойдаланиш бўйича 2013–2020 йилларга мўлжалланган мажмуали чора-тадбирлар давлат дастури қабул қилинди. Унга кўра, яна қатор тадбирлар амалга оширилиши мўлжалланган. Ерларнинг маҳсулдорлигини

ошириш ва тупроқни муҳофаза қилишга эришиш учун қуйидаги тадбирлар амалга оширилиши мақсадга мувофиқ:

– суғориладиган ерларда сизот сувлари сатҳи йилда 2 марта (апрель, октябрь ойларида) ўлчанади, қўшимча тарзда июль ойида ҳам ўлчаш зарур, чунки суғориш натижасида сув сатҳи энг юқори бўлган давр, айнан шу ой – июлдир;

– суғориладиган ерларда қайта шўрланиш ва ботқоқланишнинг олдини олиш, яъни коллектор-зовур тизимларини етарли миқдорда қуриш, вақтида тозалаш ва реконструкция қилиш;

– экинларни суғориш меъёрларига риоя қилиш ҳамда суғоришнинг энг янги замонавий технологияларини кенг қўллаш;

– суғориш, сув ва шамол эрозиясининг олдини олиш, яъни суғориладиган майдонлар, айниқса, воҳаларнинг чўлга туташ минтақаларида, суғориш каналлари, катта йўллар чеккаларида ҳимоя дарахтзорлар – иҳотазорлар майдонини кенгайтириш;

– жойларнинг табиий шароитидан келиб чиқиб қишлоқ хўжалиги экин турларини жойлаштириш, алмашлаб экиш (беда, дуккаклилар ва б.) қоидаларига қатъий риоя қилиш;

– кузги шудгор, шўр ювиш каби агротехник тадбирларни ўз вақтида амалга ошириш, агротехника қоидаларига риоя этиш, органик ўғитлардан кўпроқ фойдаланиш;

– деҳқончиликда қадим аждодларимиздан қолган, ишончли удумлардан кенгроқ фойдаланиш;

– яйловларда мол боқишни тартибга солиш;

– деҳқончилик маданиятини кўтариш, унда муқобил хорижий тажрибалардан кенг фойдаланиш, илмга таяниш;

– тупроқ қоплами бузилган ерларда сифатли рекультивация ўтказиш;

– тупроқларни ифлосланишдан сақлаш, фойдали тупроқ флора ва фаунасини муҳофаза қилиш;

–қишлоқ хўжалигида фойдаланиладиган ерлардан асоссиз, бошқа мақсадларда фойдаланишга чек қўйиш;

– суғориладиган лалми ерлар ва яйловларда чўлланиш жараёни устидан узлуксиз экологик мониторинг олиб бориш ва ҳ.к.

Сув – табиат гўзаллиги бўлибгина қолмай, энг бебаҳо бойлик ҳамдир. Сув нафақат инсоннинг кундалик эҳтиёжлари ва истеъмол манбаи, минерал хомашё, қишлоқ хўжалиги, саноат ишлаб чиқариши, транспорт ва маиший эҳтиёжларнинг ажралмас қисми, балки у маданият воситаси ҳамдир.

Сайёрамизда сув илк бор Ер мантиясидан ажралиб чиққан сув буғларининг юзага чиқиши ҳисобига таркиб топган. Ҳозир ҳам бу жараён давом этиб, йилига мантиядан ер юзига чиқаётган сув буғлари ҳисобига гидросфера ҳажми 1 км^3 га ортмоқда. Сувнинг асосий хусусиятларидан бири унинг доимо ҳаракатда (айланма) бўлишидир. Бу жараёнда сув чучуклашади, қуруқликда тақсимланади. Сувнинг айланма ҳаракати натижасида атмосфера, литосфера, гидросфера, биосфера ўртасида узвий боғлиқлик таркиб топади. Йил давомида Ер шарида 520 минг км^3 сув айланма ҳаракатда иштирок этади.

Чучук сувнинг асосий манбаи дарё ва кўллар, бироқ улар ер юзаси бўйлаб жуда нотекис жойлашган. Масалан, дунёнинг 70 % дан ортиқ аҳолиси истиқомат қиладиган Евросиё материгида умумий дарё сувларининг 31 % га яқини оқади. Европада аҳоли жон бошига йилига 4,1 минг м^3 дарё оқими тўғри келса, бу кўрсаткич Жанубий Америка материгида 34,0 минг м^3 ни ташкил этади. Хуллас, Ер шарининг 60 % ҳудуди чучук сув етишмайдиган минтақаларни ташкил этади. Ҳозирги кунда Ер шари аҳолисининг қарийб 2,5 млрд. кишиси сув муаммоси танг бўлган ҳудудларда истиқомат қилмоқда. Маълумотлар бўйича 2025 йилга бориб, бу рақам 5 млрд. кишига етиши прогноз қилинмоқда.

Ҳозирда дунё бўйича йилига 5 минг м^3 сув ишлатилади, шунинг 69 фоизи қишлоқ хўжалиги эҳтиёжларига, 21 фоизи саноатга, 6 фоизи маиший соҳаларга тўғри келади. Ишлатиладиган барча чучук сувларнинг ярмидан ортиғи (63 %), айниқса, қишлоқ хўжалигида қайтмас сувлардир.

Ўзбекистон Республикасида ҳар йили ўртача 50–60 млрд м^3 сув истеъмол учун олиниб, унинг 85 фоизи қишлоқ хўжалиги, 12 фоизи саноат, 3 фоизи маиший ва бошқа тармоқларда ишлатилмоқда.

Сувни ифлословчи 400 турдан ортиқ моддалар мавжуд бўлиб, сув кимёвий, биологик ва физик йўллар орқали ифлосланади. Ифлосланишнинг асосий манбалари қуйидагилар: 1) табиий сув ҳавзаларига тозаланмаган оқава сувларнинг ташланиши; 2) ёғингарчиликлар туфайли заҳарли кимёвий моддаларнинг ювилиши; 3) корхоналарнинг газ-буғ чиқиндилари; 4) нефть ва нефть маҳсулотларининг оқиб чиқиши.

Ўзбекистоннинг аксарият дарёлари учун сувнинг ўртача оқимида ҳар литрда 1–1,5 г, қуйи оқимида 2,0 г ва ундан юқори минераллашув хосдир. Сувнинг сифати қабул қилинган таснифланишга кўра кўпчилик дарёларда ўртача ифлосланган ва ифлосланган тоифаларга киради. Кейинги чорак аср мобайнида асосий сув оқимларининг сифатида яхшиланиш тенденцияси кузатилмоқда.

Минтақадаги Амударё ва Сирдарё, шунингдек, бошқа кўплаб дарёлар (Норин,

Қорадарё, Чирчиқ, Оҳангарон, Фарғона водийси кичик дарёлари ва бошқалар.) чегараларо дарёлар ҳисобланади. Улардан фойдаланиш, сув оқимларини самарали бошқариш ва экология соҳасидаги талабларга тўлиқ жавоб бериш шу минтақадаги барча давлатларнинг ўзаро манфаатлари учун зарур. БМТнинг 1992 йил 18 сентябрдаги "Чегараларо сув оқими ва халқаро кўлларни муҳофаза қилиш ва улардан фойдаланиш бўйича" конвенциясида ҳамда 1997 йил 21 мартда БМТ Бош Ассамблеяси томонидан қабул қилинган "Халқаро сув оқимларидан фойдаланиш ҳуқуқи тўғрисида"ги конвенцияда қуйидагиларга амал қилиш талаб этилади: "Чегараларо таъсир кўрсатаётган ёки таъсир кўрсатиш мумкин бўлган фаолиятни амалга оширишда чегараларо сувлардан уларнинг чегараларо характерини инобатга олган ҳолда оқилона ва адолатли фойдаланишни таъминлаш" таъкидланган.

Ўзбекистон Республикасининг 1993 йил 6 майда қабул қилган "Сув ва сувдан фойдаланиш тўғрисида"ги қонунининг 3-моддасига мувофиқ, "Сув Ўзбекистон Республикасининг давлат мулки – умуммиллий бойлик ҳисобланади, сувдан оқилона фойдаланиш лозим бўлиб, у давлат томонидан қўриқланади".

Хулоса ўрнида қайд этиш жоизки, аҳоли сонининг мунтазам ўсиши, ривожланишдаги тараққиёт сувга бўлган талабни янада ошириб бориши билан бир қаторда иқлимнинг глобал исиши ҳам минтақада сув ресурслари тақчиллигига сабаб бўлиши мумкин. Бундан ташқари, истиқболда Амударё ҳавзасидан ҳудуди 652000 км^2, аҳолиси сони салкам 35 млн. киши бўлган Афғонистон Ислом Республикаси ҳам сув олиши муқаррар, бу мавжуд муаммони янада кескинлаштириши мумкин. БМТнинг озиқ-овқат ва қишлоқ хўжалиги ташкилоти (ФАО) Президенти Ж. Диоф таъкидлаганидек: "Сув инқирози энергетика ва молиявий инқироздан кўра хавфлироқдир".

Сув муаммосини бартараф этишнинг иккита йўналиши мавжуд: 1) сувнинг сифатини бузмаслик; 2) ундан тежамкорона фойдаланиш. Сувдан оқилона фойдаланиш қуйидаги тадбирларни амалга оширишни тақозо этади:

– чиқиндисиз ва сувсиз (қуруқ) технологияларни ривожлантириш, сув таъминотининг ёпиқ тизимини жорий этиш, оқава сувларни (саноат, маиший) тозалаш;

– коллектор-зовур сувларини тозаламасдан сув ҳавзаларига ташламаслик;

– қишлоқ хўжалигида экинларни суғоришга сарфланадиган сув сарфини белгиланган илмий асосланган меъёр (жуда бўлмаганда гектарига 10,0 минг м^3) га тушириш;

– суғориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш;

– коллектор-зовур тизимларининг иш фаолиятини яхшилаш, (фойдали иш коэффициентини ошириш, керакли жойларда янгиларини барпо этиш, тозалаш, таъмирлаш, техник ҳолатини яхшилаш ва ҳ.к.);

– суғориш каналлари (айниқса, хўжаликлараро, хўжаликлар ичидагилар) нинг фойдали иш коэффициентини ошириш;

– экин майдонлари, сув ҳавзалари атрофларида далани ҳимояловчи иҳотазорлар майдонини кенгайтириш;

– суғоришнинг янги, замонавий технологияларини амалиётга тез ва кенг татбиқ этиш, суғоришда, ерга ишлов беришда аждодларимиздан қолган самарали удумларни қайта тиклаш ва ҳ.к. Шундагина минтақадаги сув танқислигининг нисбатан бўлса-да олди олинади.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ

1. *Бабушкин Л.Н., Когай Н.А.* Физико-географическое районирование Узбекской ССР // Науч. труды. ТашГУ. 1964 . -Вып. 231. 263-стр.

2. *Кац Д.М.* Мелиоративная гидрогеология. М.: Агропромиздат. 1988. 78-стр.

3. *Ковда В.А.* Качество воды, плодородие орошаемых почв и солеустойчивость растений. //В сб.: Водный режим растений в засушливых районах. М.; 1961. 60-86-стр.

4. *Рафиқов А.А.* Геоэкология асослари. Тошкент: 2000. Б. 44-49.

5. *Рахматуллаев А.* Табиатга антропоген юк меъёри ва уни баҳолашнинг ҳозирги ҳолати. // Географиянинг долзарб муаммолари. Халқаро илмий-амалий конференция материаллари. Андижон: 2007. Б. 96-98.

6. *Хамраев Н.Р.* Водосбережение и водоподача для устойчивого развития в аридных зонах. Тр. Института водных проблем. 2001. 5-15-стр.

7. *Хасанов А.С., Шерфединов Л.З.* Аридный гидрогеолого-мелиоративный процесс. Ташкент: Фан. 1987. 173-стр.

8. *Ходжибаев Н.Н.* Гидрогеолого-мелиоративное районирование. Ташкент: «Фан». 1975. 173-стр.

9. *Хорст М.Г., Мирзаев Н.Н.* Водосбережение-лучшие методы // Мелиорация и водное хозяйство. М.: 2001. 47-стр.

10. *Чембарисов Э.И., Бахретдинов Б.А.* Гидрохимия речных и дренажных вод Средней Азии. Ташкент: Ўқитувчи. 1989. 47-стр.

11. *Якубов М.А., Якубов Х.И., Кудратов Т.У.* Управление водными ресурсами на уровне хозяйств и пути снижения нагрузки на дренаж. //Сб. научных трудов НПО САНИИРИ. Т. 3. 2001. 77-84 стр.

12. *Якубов Х.И., Гаипназаров Н.* Рекомендуемые мелиоративные режимы орошаемых земель в условиях дефицита воды. //Сб. научных трудов САНИИРИ. Ташкент. 2006. 491-500 стр.

13. *Ўразбоев А.* Суғориладиган массивларда кичик ҳудудларни ўрганишнинг табиий-географик асослари ва уларни районлаштириш муаммолари. //Табиий ва иқтисодий географик районлаштиришнинг долзарб муаммолари. Республика илмий-амалий конференция материаллари. Т.: 2004. 33-35-стр.